

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Риштон тумани

2023 йил 13 июнь

4-1505-2302/830-сонли иш

Риштон туманлараро иқтисодий судининг судьяси Ш.Мирзаматов, даъвогар [REDACTED] жамиятининг жавобгар – [REDACTED] ҳисобидан фойдаланилган электр энергияси учун 2 154 892 сўм асосий қарз ва суд харажатларини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни, Риштон туман судлари биносида соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] жамияти (кейинги матнларда даъвогар деб юритилади) судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, [REDACTED] (кейинги матнларда жавобгар деб юритилади) ҳисобидан 2 154 892 сўм асосий қарз ва суд харажатларини ундиришни сўраган.

Даъво аризасининг кўчирма нусхаси даъвогар томонидан жавобгарга почта орқали юборилган.

Жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр қонунда белгиланган ўн беш кунлик муддатда судга такдим этилмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнларда – ИПК деб юритилади)нинг 203⁴-моддасининг саккизинчи қисмига кўра, суд соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади.

[REDACTED] Фурқат туман электр таъминоти корхонаси билан жавобгар ўртасида электр энергияси етказиб бериш ҳақида шартнома имзоланиб, шартномага асосан даъвогар жавобгарга электр энергиясини етказиб бериш, жавобгар эса етказиб берилган электр энергияси учун ўз вақтида тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олган.

Даъвогар шартномада белгиланган мажбуриятларини тўлиқ бажарган бўлсада, лекин жавобгар шартноманинг 3.6, 3.7, 3.12-бандлари талабларини бажармай, фойдаланилган электр энергияси учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмаган, натижада 2 154 892 сўм қарздорлик вужудга келган.

Даъвогар қарздорликни бартараф этиш юзасидан жавобгарга талабнома билан мурожаат қилган, бироқ қарздорлик бартараф этилмаган, натижада даъвогар 2 154 892 сўм асосий қарз ва суд харажатларини ундириш ҳақида даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

Суд ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб қуйидагиларга кўра, даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (кейинги матнларда ФК деб юритилади) 468-моддасида “Энергия таъминоти шартномасига мувофиқ



энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади” деб белгиланган.

ФК 474-моддасида “Агар қонун ҳужжатларида ёки энергия билан таъминлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, энергия ҳақи абонент амалда қабул қилган энергия миқдори учун тўланади, бу миқдор ушбу Кодекснинг 470-моддасига мувофиқ аниқланади” деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларининг 60-бандида “Барча электр энергияси истеъмолчилари (маиший истеъмолчилардан ташқари) ҳудудий электр тармоқлари корхоналари билан биргаликда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин ҳар ой беш кун мобайнида фойдаланилган электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг такқослаш далолатномасини тузишлари шарт”-деб кўрсатилган.

Гарчи, даъвогар судга даъво аризаси билан 2 154 892 сўм асосий қарзни ундириш талаби билан мурожаат қилган бўлсада, даъвогар томонидан бир томонлама тасдиқланган солиштирма далолатномага асосан, 2023 йилнинг 1 июнь ҳолатига жавобгар “[REDACTED] 2 153 812,41 сўм асосий қарздорлиги мавжуд бўлиб, даъвогар томонидан даъво талаби миқдорини ҳисоблашда асосий қарздорлик суммасига 1 080 сўм миқдорида пеня нотўғри қўшиб ҳисобланган.

Суд мазкур ҳолатда, даъво талаби асосий қарзни ундириш бўлганлиги сабабли, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига фойдаланилган электр энергияси учун 2 153 812,41 сўм асосий қарздорликни ундиришни, даъвогар томонидан асосий қарздорликка қўшиб ҳисобланган 1 080 сўм пеня суммасини қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Қайд этилганларга кўра суд даъвони қисман қаноатлантириб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 2 153 812,41 сўм асосий қарз ҳамда 33000 сўм почта харажати ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини ундириш масаласини муҳокама қилиб, жавобгар ҳисобидан 329 834,67 сўм давлат божи ҳамда даъвогар ҳисобидан 165,33 сўм давлат божини республика бюджетига ундиришни лозим топди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда юкланади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 468, 470, 474-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 176, 178, 179, 203⁵-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даъво қисман қаноатлантирилсин.



Жавобгар [REDACTED] даъвогар
[REDACTED] фойдасига
2 153 812,41 сўм асосий қарз ҳамда 33000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар [REDACTED] ҳисобидан республика
бюджетига 329 834,67 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвогар [REDACTED]
жамияти ҳисобидан республика бюджетига 165,33 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан у қабул қилинган кундан бошлаб ўн
кунлик муддат ичида тарафлар шу суд орқали Фарғона вилоят судининг
иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят
беришга ҳақлидир.

Судья

Ш.Мирзаматов

